“УСУЛ АЛ-ФИҚҲ” ИЛМИНИНГ МОВАРОУННАҲРГА КИРИБ КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

THE BEGINNING AND DEVELOPMENT OF THE SCIENCE “USUL AL-FIQH” IN MAWARANNAHR

ВОЗНИКНОВЕНИЕ И РАЗВИТИЕ НАУКИ «УСУЛ АЛЬ-ФИКХ» В МАВЕРАННАХРЕ

Sidahmadxon SAMATXONOVICH G’AYBULLAYEV,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
PhD researcher
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan
e-mail: gaybullayev1989@mail.ru

DOI: 10.47980/IIAU/2021/2/9

Аннотация: *Мақоладан кўзланган мақсад Мовароуннаҳр олимларининг ислом ҳуқуқи назарияси – усул ал-фиқҳ фани шаклланиши ва ривожланишига қўшган ҳиссаларини тадқиқ этиш. Тадқиқотда усул ал-фиқҳ илмининг даставвал Ироқ ўлкасида юзага келиб, кейинчалик шарққа ёйилгани ва унга сабаб бўлган омиллар тадқиқ этилган. Мовароуннаҳр олимлари илмий фаолияти ва ёзган асарларининг усул ал-фиқҳ фани ривожига таъсири таҳлил этилган. Ҳудудда усул фанига оид ёзилган асарлар ва уларнинг хусусиятлари очиб берилган. Қаффол Шоший ўзининг “Маҳосин аш-шариъа”, Абу Зайд Дабусий “Тақвим ал-адилла” ва Фахрул-ислом Али Паздавий “Усул ал-Паздавий” асари орқали фанга олиб кирган янги тушунча ва услублар аниқланган. Шунингдек, Шамсул-аимма Муҳаммад Сарахсий, Фахрул-ислом Али Паздавий, Алоуддин Самарқандий, Абу Ҳафс Умар Насафий, Хисомиддин Ахсикатий, Низомиддин Шоший, Абул Баракот Насафий ва Садруш-шаҳид Убайдуллоҳ ибн Масъуд Бухорий каби фақиҳларнинг илмий фаолияти ва фанга оид асарлари тадқиқ этилган. “Тақвим ал-адилла”, “Усул ал-Паздавий”, “Усул ас-Сарахсий”, “Мезон ал-усул”, “Манор” ва “ат-Талвиҳ” каби асарлар ва уларга ёзилган шарҳ, ҳошия ва мухтасарлар ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Якунда усул ал-фиқҳ асарларининг ислом дини назарий асослари, мақсади, мазмун-моҳиятини тўғри тушунишдаги аҳамияти очиб берилган.*

Калит сўзлар: *Паздавий, матн, фиқҳ, ҳадис, мотуридий, ханафий, қози, асхабут-тахриж, шарҳ.*

Аннотация: *Целью статьи является изучение вклада ученых Мавераннахра в становление и развитие теории исламского права – усулу-л -фикх. В исследовании рассматриваются факторы, которые привели к появлению усулу-л -фикх в Ираке и его последующему распространению на Востоке. Анализируется научная деятельность ученых Мавераннахра и влияние их трудов на развитие науки метода аль-фикх. Привлечены к исследованию письменные работы по усул аль-фикх в регионе, изучены их особенности. Определены новые понятия и методы, введённые в науку усулу-л-фикх через произведения Каффала Шаши «Махасину-ш-шари’а», «Таквиму-л-адилла» Абу Зайда Дабуси и «Усул ал-Паздави» Фахру-л-ислама Али Паздави. Также изучалось научная деятельность и научные труды таких факихов, как Шамсу-л-а’имма Мухаммад Сарахси, Фахру-л-ислам Али Паздави, Алау-д-дин Самарканди, Абу Хафс Умар Насафи, Хисамиддин Ахсикати, Низамиддин Шаши, Абул Баракат Насафи, Садру-ш-шахид Убайдуллах ибн Масъуд Бухари. Автор статьи предоставляет важные сведения о таких произведениях, как «Таквиму-л-адилла», «Усулу-л-Паздави», «Усулу-с-Сарахси», «Мизану-л-усул», «Манар» и «ат-Талвих», а также комментарии и аннотации к ним. В заключении объясняется важность работ по науке усулу-л-фикх для понимания теоретических основ, целей и сущности ислама.*

Ключевые слова: *Паздави, текст, фикх (исламское право), хадис, ханафи, қади (судья), асхабу-т-тахридж, комментарий.*

Abstract: *The purpose of the article is to study the contribution of scientists of Mawarannahr to the formation and development of the theory of Islamic law – usulu-l-fiqh. The study examines the factors that led to the emergence of usulu-l-fiqh in Iraq and its subsequent spread in the East. The article analyzes the scientific activity of the scientists of Mawarannahr and the influence of their works on the development of the al-fiqh method. We have studied written sources on usulu-l-fiqh in the region and their features. New concepts and methods introduced into the science of usulu-l-fiqh through the books of Kaffal Shashi Mahasinu-sh-shari’a, Takvimu-l-adilla of Abu Zayd Dabusi, and Usulu-l-Pazdawi of Fakhru-l-Islam Ali Pazdawi. We researched the scientific activity and scientific works of such faqihs as Shamsu-l-a’imma Muhammad Sarakhsi, Fakhru-l-Islam Ali Pazdawi, Alau-d-din Samarkandi, Abu Hafs Umar Nasafi, Hisamiddin Akhsikati, Nizamiddin Shashi, Abul Barakat Nasafi, Sadru-sh-shaheed Ubaidullah ibn Mas’ud Bukhari. The article provides valuable information about such works as Takvimu-l-adilla, Usulu-l-Pazdawi, Usulu-s-Sarakhsi, Mizanu-l-usul, Manar, at-Talvih and comments and annotations to them. In conclusion, the importance of works on the science of usulu-l-fiqh for understanding the theoretical foundations, goals, and essence of Islam is explained.*

Key words: *Pazdawi, text, fikh (islamic law), hadith, hanafi, qadi (judge), owners-taxrij, comment.*

КИРИШ

Ислом билимлари орасида энг кўп мурожаат этиладиган фан фиқҳ бўлиб, у ислом қонунчилигидан тортиб, то одоб-ахлоқ меъёрларигача бўлган кўплаб соҳаларни ўз ичига олган. Фиқҳ мавзулари инсон ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олгани сабаб уни ўрганишга ҳар доим талаб юқори бўлган. Ислом фиқҳи қуйидаги икки йирик тармоқ ёки икки асосий қисм: усул ал-фиқҳ, фуруъ ал-фиқҳга бўлинади.

Усул ал-фиқҳ шариатнинг асосий манбалари: Қуръон, суннат, ижмоъ ва қиёсга таянган ҳолда шаръий ҳукмлар ишлаб чиқиш қоидаларини ўрганувчи фандир. Темурийлар даври олимларидан Саййид Шариф Журжоний (1340-1414) ўзининг "Таърифот" (Таърифлар) асарида: "Усул ал-фиқҳ – шаръий-амалий ҳукмларга етказувчи қоидалар мажмуидир", дея соддагина таъриф беради. Мутахассислар мазкур таърифни шарҳлаб, усул ал-фиқҳ мавзуси шаръий далиллар, вазифаси эса ислом ҳуқуқшуносларида далиллардан амалий ҳукм ишлаб чиқиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат дейдилар. Шунингдек, мазкур фан калом, тафсир, ҳадис, ислом тарихи каби фанлар билан бир қаторда тилшунослик, мантиқ, фалсафа ва жамиятшунослик фанлари билан ҳам узвий боғлиқ экани таъкидланади (Jurjoniy, 1983:26). Ушбу илмни мукаммал ўзлаштирган мутахассисларга усулий олим, фақиҳ дея ном берилган ва улар ижтимоий ҳаётда пайдо бўлаётган янги масалаларга шариъатнинг муносабатини кўрсатиб, ислом ҳуқуқи бўйича унга баҳо берадилар.

Усул ал-фиқҳ даставвал фиқҳ фани таркибида Ироқ ўлкасида II-III (мел. VIII-IX) асрда шакллана бошлаган бўлса, кейинги асрда айнан мовароуннаҳрлик олимлар саъй-ҳаракатлари билан ривожланиб, тўлиқ мустақил фан сифатида шаклланди.

УСЛУБЛАР

Усул ал-фиққа оид бизгача етиб келган асарларнинг энг қадимгиси Муҳаммад ибн Идрис Шофеъий (767-820) қаламига мансуб "ар-Рисола" (Мактублар) асари ҳисобланади. Шофеъий мазҳаби усул ал-фиқҳи мазкур асар асосида шаклланган бўлиб, "мутакаллимлар йўналиши" дея номланган. Фарқли равишда ҳанафий мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа (699-767) ва унинг шогирдлари Абу Юсуф (731-798), Муҳаммад ибн Ҳасан (749-805)дан фиқҳнинг "усул" тармоғига оид бирор асар кейинги авлодга етиб келмаган. Балки улардан қолган асарлар фуруъ ал-фиқҳга оид бўлиб, энг асосийлари "Зоҳиру-р-ривоя" тўпламига кирувчи олти асардир. Мазкур олти асар Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний қаламига мансуб бўлиб, уларда Абу Ҳанифа ва унинг шогирдлари томонидан берилган фатволар, айтилган шаръий масала ва аҳкомлар жамланган. Ҳанафий усул ал-фиқҳи кейинги икки аср давомида мазкур олти асарда келган мазҳаббошиларнинг ижтиҳодлари, фатволари ва аҳкомлари асосида шакллантирилган. Шунинг учун ҳанафийлик усулида фаръий-фиқҳий масалаларга мурожаат этиш кўпроқ кузатилади.

Усул ал-фиқҳ илми Мовароуннаҳрга икки йўл орқали кириб келган. Биринчиси, бевосита ҳанафий усул ал-фиқҳи муаллифи ҳисобланган ироқлик фақиҳ Абу Бакр Жассос (ваф. 370/981)нинг шогирдлари, жумладан, Абу Жаъфар ибн Абдуллоҳ Уструшоний орқали кириб келган (Z.Najmiddinov, 2019:32). Абу Бакр Жассосдан кейин ҳанафий усул ал-фиқҳи байроқдорлиги айнан Уструшонийнинг яқин шогирди Абу Зайд Убайдуллоҳ ибн Умар Дабусий Бухорий (ваф. 1038 й.) қўлига ўтганини алоҳида қайд этиш лозим.

Иккинчи йўл Ироқ фиқҳ мактабининг йирик вакили Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний (750-809)нинг шогирдлари Абу Ҳафс Кабир Аҳмад ибн Ҳафс ибн Зибриқон Бухорий (768-832) ва Абу Сулаймон Мусо ибн Сулаймон Жузжоний (ваф. 200/816 й.) орқали кириб келган ва ислом ҳуқуқи – фиқҳ таркибида ривожланиб борган. Мазкур фақиҳларнинг фаолияти билан Бухоро ва Самарқандда фиқҳ билан илмий шуғулланиш йўлга қўйилди. илмий мактаблар шакллана бошлади. Мазкур мактабларда фиқҳнинг усул ал-фқиҳ, илмул хилоф, сияр, мақосид аш-шариъа ва бошқа тармоқ соҳалари ҳам ривожланиб борди.

НАТИЖА

Муҳаммад Шайбонийнинг "Зоҳиру-р-ривоя" тўплами нафақат мусулмон қонунчилиги ривожига катта туртки бўлган, балки бутун дунё қонуншунослиги шаклланишида ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилган. Ғарб ҳуқуқшунослари имом Муҳаммадни "Ислом Гроцийси" деб аташган бўлсада у Гюго Гроций (1583-1645)дан саккиз ярим аср муқаддам халқаро ҳуқуқ меъёрларини ўз асарларида муфассал ёритиб берган эди.

XX асрнинг машҳур олими Муҳаммад Зоҳид Кавсарий (1878-1952) қайд этишича "Абу Ҳафс Кабир Бухорий ва Абу Сулаймон Жузжоний Муҳаммад Шайбоний асарлари ровийси ҳисобланиб, кейинги авлодга асосан улар орқали етиб келган"

(Kavsariy, 1989:72). Бироқ, Шайбонийнинг охирги асари “ас-Сияр ал-кабир” ёзилганида Абу Ҳафс Кабир Ироқни тарк этиб, Бухорога қайтган эди ва шу сабаб асарни муаллифдан бевосита эмас, билвосита ўрганган. Аммо сабоқдош дўсти Абу Сулаймон Жузжоний эса устозининг барча асарларини бевосита ўзидан эшитиб ривоят қилган, ўрганган. Ушбу икки олим Ироқ фиқҳ мактаби илмий меросини Мовароуннаҳрга кириб келишида кўприк вазифасини бажардилар.

Абу Ҳафс Кабир Бухорода илмлар ривожига катта ҳисса қўшган мадрасага асос солган. Мазкур илмий даргоҳ кейинчалик фақиҳнинг фарзанди Абу Ҳафс Сағир Муҳаммад ибн Аҳмад (ваф. 264/878 й.) томонидан янада ривожлантирилган. Шу ўринда айтиш керакки, буюк муҳаддис Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (810-870) ҳам ёшлигида Абу Ҳафс Кабирдан таълим олган (Kavsariy, 1969, p. 9). Абу Ҳафс Кабир мадрасаси ўз даврида катта шуҳрат қозонган бўлиб, Бухоронинг кўҳна “Пойи калон” мавзесида жойлашгани ва XIII асрда ҳам фаолиятда бўлгани тарихий манбаларда зикр этилади. 2009 йилда мазкур мадраса ва унга туташ XVI асрга оид “Ҳазрати имом” масжиди, Абу Ҳафс мақбараси (ундаги Абу Ҳафс Кабир, фарзанди Абу Ҳафс Сағир ва набираси, тасаввуф олими Абу Бакр Калобозий (ваф. 990 й.) қабрлари) қайта тикланди (Ahmedov S., 2019: 29).

Абу Ҳафс Кабир усулга оид бирор асар ёзгани манбаларда келтирилмаган. Аммо фиқҳнинг “фуруъ” тармоғига оид “Китаб ат-тахриж” (Тахриж китоби), “Фавоид” (Фойдалар), “Фатово” (Фатволар) ва “Масоил” (Масалалар) номли асарлари муаллифи экани, ўғли Абу Ҳафс Сағир ҳам “ал-Аҳва ва-л-ихтилаф” (Ҳавойи гаплар ва ихтилофлар), “ар-Радду ала-л-лафзийя” (Юзаки қаровчиларга раддиялар) номли асарлар таълиф этгани манбаларда қайд этилади (Laknaviy A., 1998:19). Мазкур асарлар бизгача етиб келмаган бўлса-да, улардан олинган иқтибослар фиқҳий манбаларда учрайди. Тадқиқотчи Л.Асророва фақиҳга оид бир юз қирқ (140) та фатвони алоҳида рисолада жамлаган (Asrorova L., 2014:184).

Абу Сулаймон Жузжоний (ваф. 200/816 й.) ва Абу Бакр Жузжоний (ваф. 250/864 й.) ҳам ўз юртига қайтиб, Самарқандда “Дорул Жузжония” илмий мактабига асос солдилар. Мазкур илмий мактаб кейинчалик Абу Бакр Жузжонийнинг яқин шогирди Абу Мансур Мотуридий (ваф. 945 й.), ундан сўнг Мотуридийнинг яқин шогирди Абул Муъин Насафий (1027-1114) томонидан ривожлантирилди (Aminov & Primov, 2017:68).

Абу Мансур Мотуридий илмий фаолияти ақида илми билан чегараланиб қолмай фиқҳ фанининг усул ва фуруъ тармоғига оид муҳим асарлар таълиф этган. Мотуридийнинг “Маъохиз аш-шариъа” (Шариат манбалари) номли асари Мовароуннаҳр ҳудудида ёзилган усул ал-фиқҳга оид биринчи манбадир (Chalabiy, 1992:1408). мазкур манба бизгача етиб келмаган бўлса-да, турк олими Ш.Ўзен ҳанафий фиқҳига оид адабиётларда келган иқтибослар асосида Мотуридийнинг усул ал-фиқҳга оид қарашларини жамлаган (Jabborov, 2004:92-95). Мотуридийнинг “Китоб ал-жадал” асари “суннийлик” йўналиши далиллари, фиқҳий аҳкомлар мудофааси ва адашган тоифалар фикрларини танқидига бағишланган бўлиб, бу соҳадаги машҳур манбалар имомул-Ҳарамайн Жувайний (1028-1185)нинг “ал-Кофия фил-жадал” (Мунозара одоблари борасида кифоя китоб) ва Абу Исҳоқ Шеърозий (1003-1083)нинг “ал-Маъуна фил-жадал” (Баҳслар мавзусига қўлланма) га асос бўлгани алоҳида аҳамиятга эга.

Абул Муъин Насафий (1027-1114)нинг ёзишича, Мотуридий қарматийларга қарши иккита раддия ёзган бўлиб, бири усул, иккинчиси фуруъга оид. Биринчи асар қарматийларнинг нотуғри ақидаларини танқидига бағишланган, зеро, ақидавий қарашлар учун ҳам кўпинча усул атамаси қўлланилади. Иккинчи асар фиқҳга оид бўлса-да, усул ал-фиқҳ мавзуларини ҳам ўз ичига олган бўлиш эҳтимоли мавжуд. Абул Муъин Насафий ўзи санаб ўтган рўйхатда Мотуридийнинг барча асарларини қамраб олмаганини ҳам қайд этган (Nasafiy, 1993, p. 359). Мотуридийга “Шарҳ Жомеъ ас-Сағир” номли фиқҳий асар ҳам нисбат берилган. Фахрул-ислом Паздавий (1009-1090)нинг айтишича, ушбу асар Мотуридийнинг шогирди Абдулкарим Паздавий (912-999)томонидан ривоят қилинган (Kosoniy, 1997, p. 47). Шунингдек, Абу Мансур Мотуридий Қуръони карим тафсирига бағишланган йирик асари “Таъвилоту аҳли-с-сунна”да беш юзга яқин ҳукмий оятларни тафсирлаш асносида фиқҳий масалалар ва усулий қоидалар таҳлилига чуқур киришган. Мотуридий биринчилардан бўлиб усул ал-фиқҳ мавзуларига мурожаат қилган ва фаннинг далиллаш амалиёти ва услубига янгиликлар олиб кирган билан соҳа тараққиётига катта ҳисса қўшган.

Мовароуннаҳрлик фақиҳлар усул ал-фақиҳнинг шофеъий йўналишида ҳам фаолият юритганлар ва унинг ривожига катта ҳисса қўшганлар. Улардан бири шофеъий фиқҳининг йирик намояндаси

Абу Бакр ибн Исмоил Қаффол Шоший (904-977) (Muhamedov N.,2015:120) дир. Қаффол Шоший қаламига мансуб “Китоб фи усул ал-фиқҳ” (Фиқҳ асослари китоби), “Шарҳ ар-Рисола аш-Шофиъий” (Шофиъийнинг Рисола асари шарҳи), “ал-Жадал” (Баҳслар) ва “Маҳосин аш-шариъа” (Шариат гўзалликлари) асарлари шофеъий усулига оид дастлабки асарлардан ҳисобланади. Улардан фақатгина охирги манба бизгача етиб келган (Mukhamedov N., 2020:138; Subkiy, 1964:152).

Тадқиқотчи Н.Ҳакимова берган маълумотга кўра, ҳозирда Қаффол Шоший “Маҳосин аш-шариъа” асарининг Лондон ва Қоҳира китоб фондларида сақланаётгани иккита қўлёзма нусхаси мавжуд. Шунингдек, асар 2007 йил Байрутда нашр этилган (N.Hakimova, 2020:170).

Шоший “Маҳосин аш-шариъа” асари муқаддимасида унинг бош ғояси ҳақида тўхталиб: *“Шариат гўзалликлари, унинг багрикенг “фозил сиёсат”и ва соғлом ақл тақозосига тўлиқ муносиб эканини беришдан иборат”* дейди. Тадқиқотчи олима таъкидлашича, асардаги “фозил сиёсат” тушунчаси “қонунларнинг юзаки, ҳарфий устуворлиги эмас, балки уларнинг асл мақсади ва моҳиятидан келиб чиқиб амалиётга татбиқ этилиши”ни ифода этади (Hakimova N., 2020:171). Умуман олганда, Шоший асарлари ҳуқуқ фалсафасига катта эътибор қаратгани билан ҳар доим ўз аҳамиятига эга (Мухамедов Н., 2014:130). Зеро, қонунларнинг ҳарфий устуворлиги билан бир қаторда уларнинг мақсад ва моҳиятидан келиб чиқиб амалиётга татбиқ этиш кишилик жамиятларида тўлақонли адолат таъминланиши учун муҳимдир.

Мовароуннаҳрга усул ал-фиқҳ илмининг кириб келишида ҳанафий усули муаллифи Абу Бакр Жассос (ваф. 370/981)нинг шогирдлари ҳам муҳим рўл ўйнаган. Зеро, Абу Бакр Жассос (ваф. 370/981) қаламига мансуб “ал-Фусул фи-л-усул” (Усул илмига оид фасллар) асари бизгача етиб келган ҳанафий усулига оид биринчи тўлақонли асардир. Унинг устози Абул Ҳасан Убайдуллоҳ Кархий (ваф. 342/952 й.) қаламига мансуб “ар-Рисола фил усул” (Усул илмига оид рисола) рисоласи ҳам усул ал-фиқҳга оид бўлса-да, аммо унда усулга оид ўттиз тўққиз қоидагина зикр этилган ва Нажмиддин Абу Хафс Умар Насафий (1067-1142) томонидан ёзилган “Шарҳу мадору-л-усул” (Усулнинг асоси бўлган қоидалар шарҳи) номли шарҳи ҳам ҳажман кичик бўлиб, Фахрул-ислом Али Паздавий (1010-1089)нинг фанга оид “Канзул вусул ила маърифатил усул” (Усулни ўрганишга етказувчи хазина) асарига илова сифатида нашр этилган (Pazdaviy, Usul, 1909). Усул олимлари Жассоснинг “Ал-Фусул” китобини ҳанафийлик усулига оид дастлабки асар сифатида баҳолашган. Асар фаннинг асосий мавзулари батафсил ёритган бўлиб, тўрт жилдда нашр этилган (Jassos, 1996:14).

Абу Бакр Жассосдан сўнг ҳанафий усул ал-фиқҳи унинг набира шогирди Абу Зайд Убайдуллоҳ ибн Умар Дабусий (ваф. 1038 й.) томонидан ривожлантирилди, янги мавзулар билан бойитиб такомиллаштирди. Абу Зайд Бухоро ва Самарқанд оралиғида жойлашган Дабусия шаҳарчасида дунёга келгани сабаб, ўзига Дабусий нисбасини олган. Устози Абу Жаъфар ибн Абдуллоҳ Уструшаний Абу Бакр Жассоснинг яқин шогирди бўлиб, Ироқда узоқ муддат таълим олганидан сўнг юртига қайтиб талабаларга дарс бериш билан машғул бўлган. Абу Зайд Дабусий келажакда ислом ҳуқуқининг усул ал-фиқҳ (ҳуқуқ назариялари) ва илмул хилоф (қиёсий ҳуқушунослик) соҳалари бўйича етук олим бўлиб етишишида Уструшаний муҳим ўрин тутган (Najmiddinov Z., 2019:33).

МУҲОКАМА

Абу Бакр Жассосдан кейин усл ал-фиқҳ илми муаллимлиги Бухоро тарихидаги “Етти машҳур қози” (Қуззоти сабъа)ларнинг бири саналган Абу Зайд Дабусий қўлига ўтди. Абу Зайднинг усулга оид “Тақвим ал-адилла фи усул ал-фиқҳ” (Усул ал-фиқҳга оид далилларни мустаҳкамлаш), “Таъсис ан-назоир” (Ўхшаш масалаларни асослаш), “ал-Амад ал-ақсо” (Атрофлича фикрлар) “ал-Асрор фи-л-усул ва-л-фуруъ” (Усул ва фуруъ илми сирлари) номли асарлари бизгача етиб келган.

Дабусий “Тақвим ал-адилла” асари орқали Абу Бакр Жассоснинг усул ал-фиқҳга оид илмий қарашларини ривожлантирди, уларга янги қўшимчалар, тўлдиришлар қўшди. Илк маротаба шаръий далиллар лафзини тўрт турга бўлиб, изоҳлаб берди ва сентиментал (ҳиссий) ва шаръий ҳаракат ўртасидаги фарқларни кўрсатиб, асослаб берди. Шунингдек, усул ал-фиқҳга аҳлийят (лаёқат) мавзусини олиб кириб, вужуб аҳлияти ва адо аҳлияти ўрасидаги фарқларни кўрсатиб бериш билан фаннинг мавзуларини тўлиқ шакллантирди (Dabusiy, 2001, pp. 260, 392).

Илм аҳлининг “Тақвим ал-адилла”га бўлган қизиқиши сабаб, унинг қўлёзма нусхалари дунё бўйлаб кенг тарқалган. Асар устида олиб борилган татқиқотларда унинг ҳозирда мавжуд йигирмадан ортиқ қўлёзмалари ҳақида маълумот келтирилади[5,

30]. Жумладан, Тошкентдаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг асосий фондида Дабусий вафотидан сўнг 58 йил ўтиб 489/1096 йили кўчирилган нодир бир қўлёзма нусхаси сақланмоқда (boshq, 1957:188). Манбаларда асарга бир неча шарҳрлар ёзилгани айтилса-да, улардан Фахрул-ислом Паздавий қаламига мансуб “Мунтахабу тақвим ал-адилла” (Тақвим ал-адилла қисқартмаси) асаригина бизгача етиб келган (Sezgin, 1991:126).

Шунингдек, Фақиҳ “Таъсис ан-назоир” асари орқали мазҳаблар аро фарқли бўлган ҳуқуқий қарашларни тартибга солиш, уларни илмий услубда ўрганиш қоидаларини ишлаб чиқиш билан “қиёсий ҳуқуқшунослик” (илмул хилоф) фанига асос солди (Dabusiy, 1993: 84-88).

Дабусийдан кейин усул ал-фиқҳ илми байроқдорлиги унинг набира шогирдлари Фахрул-ислом Али Паздавий (1010-1089) ва Шамсул-аимма Муҳаммад Сарахсий (1009-1090) қўлига ўтди. Шамсул-аимма Сарахсий Дабусийнинг “Тақвим ал-адилла”сига қўшимча, тўлдиришлар қилган ҳолда ўзининг машҳур китоби “Усул”ни ёзган (Saraxsiy, 1957:9).

Шамсул-аимма Сарахсий (ваф. 1090 й.) ҳанафий фақиҳларининг биринчи авлоди “мутақаддимин”нинг сўнги вакили ҳисобланади (Бартольд В., 1990:101). Олимдан ислом ҳуқуқига оид катта илмий мерос қолган бўлиб. фиқҳга бағишланган “ал-Мабсут” (Кенгайтирилган) асарининг ўзи ўн олти жилддан иборат ва у ислом ҳуқуқи мавзуларини тафсилотлари билан тўлиқ қамраб олгандир. “Ал-Мабсут” Муҳаммад Ҳасан Шайбонийнинг “*зоҳир ар-ривоя”* тўпламига ёзилган ўзига хос шарҳ бўлиб, мазҳаб таълимоти ва ҳуқуқий қарашлар ва ечимлар тизимли тарзда, батафсил ёритиб берилган. Сарахсийнинг мазкур йирик асари кейинчалик юзага келган ҳуқуқий таълимотларга манба вазифасини ўтади (Ibn Obidin, 2003:89).

Сарахсийнинг усул ал-фиққа оид “Усул” (*Сарахсий тартиблаган усул қоидалари*) асари фан бўйича асосий қўлланмалардан бири ҳисобланиб, муаллиф муқаддимада асарни 479 йил шаввол ойининг охири (1087 йил 6 февралъ)да Ўзкент қалъасидаги бир ҳужрада ёза бошлаганини қайд этади. Унгача шоҳ асари бўлмиш “ал-Мабсут” узоқ муддат давомида ёзиб тугатилганини қўшимча қилади (Saraxsiy, 1957:12). Аммо муаллиф “Усул” асарини қачон ёзиб тугатгани ҳақида хабар қолдирмаган. Асарни ёзишга киришганидан вафотига қадар бўлган муддат қисқалиги ҳамда асар мавзуларини тақсимлаш, тартиблашда очиқланмаган айрим мавҳумликлар борлиги уни якунлагандан сўнг қайта кўриб чиқиш, таҳрирлаш имкониятига эга бўлмаганини билдиради. Шундай бўлса-да, асар юқори илмий савияда ёзилгани сабаб ҳар доим илм аҳлининг этибор марказида бўлган.

“Усул ас-Сарахсий” 1954 йил Абул Вафо Афғоний томонидан икки жилдда нашрга таёрланиб, Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида “Дор ал-маъориф ан-Нўмония” нашриётида нашр этилган. Кейинчалик Байрутда 1973, 1993 ва 1997 йиллари қайта чоп этилган.

Ҳанафийлик усул ал-фиққи Фахрул-ислом Али ибн Муҳаммад Паздавий илмий фаолияти орқали ўзининг энг юқори даражасига кўтарилди. Олим ўзининг “Усул ал-Паздавий” номи билан машҳур бўлган “Канзул усул ила маърифат ул усул” асарида ўзигача бўлган усулга оид барча қараш, ёндашув, ривоят ва далилларни жамлади ҳамда уларни янгича услуб билан таҳрирлаб, ихчамлаштириб, аниқлаштириб берди. Натижада мазкур китоб усул ал-фиқҳ хулосаси ўлароқ юзага келди ва кейинги давр манбалари асосан унга таяниб ёзилди. Машҳур араб тарихчиси Ибн Халдун (1332-1406) ўзининг машҳур асари “Муқаддима”да: “Усул ал-фиққнинг ҳанафийлар йўналишида жуда кўп асарлар ёзилган. Аввалгилардан Абу Зайд Даббусийнинг китоби, кейингилардан Сайфул-ислом Паздавийнинг асари энг фойдали ва мукаммалидир” дея эътироф этади (Ibn Xaldun, 1980:428).

“Усул ал-Пазлавий” асари муқаддимасида муаллиф уни ёзишдан кўзлаган мақсади ҳақида тўхталиб ўтган: “Фанни мухтасар ҳолда, аниқ ва тизим билан ёритиб бериш, амалий мисоллар билан боғлаб тушунтириш токи ўз бобида мурожаат этиладиган манба бўлсин”. Муаллифнинг мақсади қанчалик амалга ошганлигини асарлар ҳақида маълумот берувчи машҳур манба “Кашфуз зунун” (Шубҳаларни очиш)да келган қуйидаги жумлалардан билиш мумкин: “Усул ал-Паздавий ўзида қимматли малумотларни жамлаган муҳим манбадир ва фақиҳлар унга шарҳ ёзишда гўё мусобақа қилишган”. Мазкур сатрлар муаллифи Ҳожи Халифа сўзининг давомида асарга ёзилган шарҳлардан ўндан ортиғи ҳақида маълумот бериб ўтган (Chalabiy, 1992:182).

ТАҲЛИЛ

Усул ал-фиққа оид кейинги давр адабиётларининг барчаси “Усул ал-Паздавий”га бевосита ёки билвосита боғлиқ эканини кўриш

мумкин. Асарга бевосита шарҳ, ҳошия, тахриж, мухтасар ва мунтахаб туркумида ёзилган китоблар сони жуда кўп бўлиб, улардан изланишлар давомида элликка яқин номдагилари аниқланди. Жумладан, Ҳамидуддин Али Ромиший Бухорий (ваф. 667/1268 й.)нинг *"Ал-Фаваид ала усул ал-Баздавий"*, Ҳусомиддин Ҳусайн Сиғноқий Бухорийнинг (ваф. 714/1314 й.) *"ал-Кофий шарҳул Баздавий"*, Алоуддин Абдулазиз ибн Аҳмад Бухорий (ваф. 730/1330 й.)нинг *"Кашфу-л-асрор ан Усули Фахрил ислом Баздавий"* ва Акмалуддин Бобартий Мисрий (ваф. 786/1398)нинг *"ат-Тақрир ли усулил Баздавий"* номли шарҳлари, Абулфидо Зайнуддин Қосим ибн Қутлубуғо (ваф. 1474 й.)нинг "*Тахриж аҳадиси Усул Баздавий" асари* ҳамда Ҳусомуддин Ахсикатий Фарғонийнинг (ваф. 644/1246 й.)нинг "ал-Мунтахабул Ҳусомия" ва Абул Баракот Насафий (ваф. 710/1310)нинг "Манорул-анвор" номли мухтасар (қисартма)лари "Усул ал-Паздавий" асосида ёзилган машҳур манбалардир ҳамда улар нашр бир неча маротаба нашр ҳам этилган (G'aybullayev S., 2021:197-199).

"Усул ал-Паздавий"нинг 2016 йилги нашрини амалга оширган Доктор Саид Бекдош Фахрул-ислом Паздавий ва унинг сабоқдош дўсти Шамсул-аимма Сарахсийнинг соҳага оид "Усул" асарларини ўзаро қиёсий таҳлил қилган ва якунда хулоса сифатида қуйидагиларни айтган: "Усул ал-Паздавий" ва "Усул ас-Сарахсий"нинг маълумотлари бир неча ўринларда ҳарфи-ҳарф бир-бирига монанддир, давр этиборидан Паздавий китобини Сарахсийдан олдинроқ ёзгани ҳисобга олинса, Паздавийнинг "Усул" асари муаллиф давридаёқ илм аҳли этиборига тушган ва асосий таянч манба сифатида қабул қилина бошлаган" (Pazdaviy, 2016:30). Дарҳақиқат, "Усул ас-Сарахсий" муаллифнинг сўнги таълифи ҳисобланиб, вафоти 1090 йилдан сал олдинроқ ёзиб тамомланган.

"Усул ал-Паздавий"нинг дунё бўйлаб қўлёзма нусхалари ҳам кенг тарқалганини илмий доираларда уни тан олинган манба сифатида қабул қилинишини билдиради. Ғарб олими Карл Брокельман асарнинг Европа, Осиё, Шимолий Африка мамлакатларидаги китоб фондларида сақланаётган йигирма бешта қўлёзма нусхаси ҳақида маълумот келтирган (Brokelman K., 1989:289). Тошкентдаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида ҳам асарнинг учта нодир қўлёзма нусхалари № 1397, № 3112, № 4739 инвентар рақам билан сақланмоқда (A.A.Semyonov, 1957).

Дабусий, Сарахсий ва Паздавий асарлари орқали усул ал-фиқҳ илми ўзининг якуний шакли ва мазмунига эга бўлди ва улар ҳақли равишда фаннинг "арконус саласа" (уч устун)и унвонига сазовор бўлдилар. Бутун мусулмон уммати уларнинг сўзларини, асарларида билдирган фикрларини энг тўғри ва якуний хулоса сифатида қабул қилдилар (Attor, 2013).

Усул ал-фиқҳ илмининг "Уч устуни" - йирик фақиҳлари бошлаб берган илмий ишлар кейинчалик шогирдлари ва давомчилари томонидан янада ривожлантирилди ва мазкур фанга оид яна кўп муҳим илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Улар орасида Абул Юср Муҳаммад Паздавий (ваф. 493/1100 й.)нинг "Китоб фиҳи маърифат ал-ҳужаж аш-шаръиййа" (Шаръий ҳужжатларни билишга бағишланган китоб), Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий (539/1145)нинг "Мийзону-л-усул фи натоижи-л-укул фи усули-л-фиқҳ" (Ақллар топган натижалари бўйича усул илми мезони), Нажмиддин Абу Хафс Умар Насафий (1067-1142)нинг "Шарҳу мадору-л-усул" ва "Таҳсил усул ал-фиқҳ ва тафсил ал-мақолот фиҳа ала ал-важҳ" (Усул ал-фиқҳни ўрганиш ва у тўғридаги умумий қарашларнинг тафсилоти), Низомиддин ибн Муҳаммад Азиз Шоший (ваф. 600/1203 й.)нинг "Усулу-ш-Шоший", Хусомиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ахсикатий (ваф. 644/1247 й.)нинг "ал-Мунтахаб фи усули-л-мазҳаб" (Мазҳаб усули бўйича мухтасар асар), Абул Баракот Насафий (ваф. 1388 й.)нинг "Манор ал-анвор" (Нурлар минораси), Содруш-шариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд Маҳбубий Бухорий (ваф. 747/1346 й.)нинг "Танқиҳул усул" (Усул илмидаги тузатишлар) ва "Ат-Тавзиҳ фи ҳалли ғавомиз ат-Танқиҳ" (Ат-Танқиҳнинг яширин маъноларини очишдаги "Ойдин" асар) каби асарлари шарқ ва ғарбга кенг тарқалди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, усул ал-фиқҳ илми даставвал Ироқ ўлкасида юзага келган бўлса-да, кейинги асрларда Мовароуннаҳрда ривожланиб, мустақил фан сифатида сифатида шаклланди. Мовароуннаҳрлик фақиҳлар усул илми бўйича кўплаб, муҳим илмий асарлар ёздилар ва асарлари орқали усул ал-фиқҳ фанини бир неча янги мавзулар билан бойитдилар, мавзуларини шакллантириб, тизимга солиб чиқдилар ҳамда барча қараш ва фикрларни умумлаштириб қата таҳрир этдилар.

Мовароуннаҳрлик уламоларнинг усул ал-фиқҳга оид асарлари бутун мусулмон оламида эътиборли манбалар сифатида қаралиб, янги илмий тадқиқотлар улар билан боғлиқ ҳолда ёзилиши анъанага

айланган. Натижада Фахрул-ислом Паздавийнинг “Усул”, Ахсикатийнинг “Мунтахаб”, Низомиддин Шошийнинг “Усул”, Абул Баракот Насафийнинг “Манор” асарига дунё бўйича юзлаб шарҳлар ёзилди.

Мовароуннаҳрлик олимларнинг усул ал-фиққа оид асарларида ислом динининг мақсади ва мазмун-моҳиятини теран очиб берилгани билан барча даврда катта аҳамиятга эга бўлиб келган. Ҳозирги кунда ҳам жамиятдаги исломий тушунчаларни тўғри тушуниш билан боғлиқ айрим муаммоларни ҳал этишда мазкур манбалардан фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. A.Laknaviy. (1998). *al-Favoid al-Bahiyya.* Bayrut: Dorul Alqam.
2. Aminov, H., & Primov, S. (2017). *Hanafiy fiqhi tarixi, istilohlari va manbalari.* Toshkent: Movarounnahr.
3. Attor, F. (2013). *Usul al-Fiqh.* Istanbul: IFAV nashriyoti.
4. Semyonov A.A. (1957). O’zSSRning Fanlar akademiyasi sharq qo’lyozmalari to’plami (Vol. 4). (A.A.Semyonov, Ed.) Toshkent: O’zSSR FA nashriyoti.
5. Chalabiy, K. (1992). *Kashf az-Zunun an-asamil kutub val funun* (Vol. 2). Bayrut: Dor al-kutub ilmiya.
6. Dabusiy, A. Z. (1993). *Ta’sis an-nazar.* (M. i. Qabboniy, Ed.) Qohira: Maktaba as-Subayh.
7. Dabusiy, A. Z. (2001). *Taqvim al-adilla.* (X. al-Miysi, Ed.) Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya.
8. Ibn Obidin, M. A. (2003). *Raddul muxtor ala Durril muxtor* (Vol. 1). Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya.
9. Ibn Xaldun, Y. (1980). *al-Muqaddima.* Qohira: Maktabatu Ibn Taymiya.
10. Jabborov, N. (2004, mart). Imom al-Moturidiy – faqih. *Imom Buxoriy saboqlari*, 200.
11. Jassos, A. B. (1996). *al-Fusul fi ilmil usul* (Vol. 1). Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya.
12. Jurjoniy, S. S. (1983). *Ta’rifot.* Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya.
13. K.Brokelman. (1989). *Tarix al-adab al-arabiy* (Vol. 3). (D. A. Najjor, Trans.) Qohira: Dor al-ma’orif.
14. Kavsariy, M. Z. (1969). *Bulug’ al-amaniy fi siyrati imom Muhammad ibn Hasan.* Hims, Suriya: Al-Andalus.
15. Kavsariy, M. Z. (1989). *Husnut taqoziy fi siyarti imom Abu Yusuf.* Qohira: Maktaba al-azhariya.
16. Kosoniy, A. B. (1997). *Badoi’ as-sanoi’ fi tartib ash-sharoi’* (Vol. 7). Bayrut: Dor kutub al-ilmiyya.
17. L.Asrorova. (2014). *Abu Hafs Kabir Buxoriy va hanafiy fiqhi.* Toshkent: Toshkent islom universiteti nashriyoti.
18. Muhamedov N. (2015). Keffal Şaşî’nin Diplomatik Faaliyeti. Marmara Türkiyat Araştırmaları Dergisi 2 (2), 119-126. HYPERLINK “https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/282071” https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/282071 .
19. Mukhamedov Nematullo (2020). Medieval Scientists Of The Oasis Shash And Their Contribution To Islamic Civilization // The American Journal of Social Science and Education. Innovations (ISSN – 2689-100x). Published: August 14, 2020 | Pages: 137-143. Doi: HYPERLINK “https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue08-20” https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue08-20
20. Мухамедов, Н. А. (2014). Хазрат Имам Абу Бакр Каффал Шаши – мухаддис из Ташкента. Peoples of eurasia. history, culture and interaction problems, 130. HYPERLINK “http://www.sociosphera.com/files/conference/2014/k-04_05_14.pdf” \l “page=130” http://www.sociosphera.com/files/conference/2014/k-04_05_14.pdf#page=130
21. N.Hakimova. (2020). Abu Bakr Qaffol Shoshiyning huquq falsafasi “fozil siyosat” atamasi. *“Sharq allomalari yozma merosining ilmiy, falsafiy, ma’naviy tafakkurdagi o’rni nomli” Respulika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari* (p. 446). Toshkent: ToshDU nashriyoti.
22. Nasafiy, A. M. (1993). *Tabsira al-adilla* (Vol. 1). Anqara: Diniy ishlar rayosati nashriyoti.
23. Pazdaviy, F.-i. (1909). *Usul.* Karachi: Mir Muhammad kutubxonasi.
24. Pazdaviy, F.-i. (2016). *Usul.* (S. Bekdosh, Ed.) Madina: Dor as-siroj.
25. S.Ahmedov. (2019, mart). Kitobini Rasulullоh maqullagan buxorolik faqih. (A. J. Xo’jam, Ed.) *Hidoyat*, 32.
26. S.G’aybullayev. (2021, Mart). “Usul al-Pazdaviy” asosida yozilgan asarlar. (S. Ziyodov, Ed.) *Imom Buxoriy saboqlari*, 200.
27. Saraxsiy, A. B. (1957). *Usul* (Vol. 1). (A. V. Afg’oniy, Ed.) Haydarobod: Dor al-ma’orif an-No’moniya.
28. Sezgin, F. (1991). *Tarix at-turos al-arabiy* (Vol. 3). ar-Riyod: Muhammad ibn Saud universiteti nashriyoti.
29. Subkiy, T. (1964). *Tabaqot ash-shofi’iyya al-kubro* (Vol. 3). Bayrut: Dor ihyo al-kutub al-arabiy.
30. Z.Najmiddinov. (2019). *Abu Zayd Dabusiy ilmiy merosining Movarounnahr fiqh ilmi rivojidagi o’rni.* Toshkent: O’zbekiston xalqaro islom akademiyasi nashriyoti.

REFERENCES

1. Лакнавий А. (1998). ал-Фавоид ал-Баҳийя. Байрут: Дорул Алқам.
2. Аминов, Ҳ., & Примов, С. (2017). Ҳанафий фиққи тарихи, истилоҳлари ва манбалари. Тошкент: Мовароуннаҳр.
3. Аттор, Ф. (2013). Усул ал-Фиқҳ. Истанбул: ИФАВ нашриёти.
4. Семёнов А.А. (1957). ЎзССР Фанлар академияси шарқ қўлёзмалари тўплами (Vol. 4). Тошкент: ЎзССР ФА нашриёти.
5. Чалабий, К. (1992). Кашф аз-Зунун ан-асамил кутуб вал фунун (Вол. 2). Байрут: Дор ал-кутуб илмия.

6. Дабусий, А. З. (1993). Таъсис ан-назар. (М. и. Қаббоний, Ед.) Қоҳира: Мактаба ас-Субайҳ.
7. Дабусий, А. З. (2001). Тақвим ал-адилла. (Х. ал-Мийси, Ед.) Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
8. Ибн Обидин, М. А. (2003). Раддул мухтор ала Дуррил мухтор (Вол. 1). Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
9. Ибн Халдун, Й. (1980). ал-Муқаддима. Қоҳира: Мактабату Ибн Таймия.
10. Жабборов, Н. (2004, март). Имом ал-Мотуридий – фақиҳ. Имом Бухорий сабоқлари, 200.
11. Жассос, А. Б. (1996). ал-Фусул фи илмил усул (Вол. 1). Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
12. Журжоний, С. С. (1983). Таърифот. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
13. К.Брокелман. (1989). Тарих ал-адаб ал-арабий (Вол. 3). (Д. А. Нажжор, Транс.) Қоҳира: Дор ал-маъориф.
14. Кавсарий, М. З. (1969). Булуғ ал-аманий фи сийрати имом Муҳаммад ибн Ҳасан. Ҳимс, Сурия: Ал-Андалус.
15. Кавсарий, М. З. (1989). Ҳуснут тақозий фи сиярти имом Абу Юсуф. Қоҳира: Мактаба ал-азҳария.
16. Косоний, А. Б. (1997). Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ (Вол. 7). Байрут: Дор кутуб ал-илмийя.
17. Асророва Л. (2014). Абу Ҳафс Кабир Бухорий ва ҳанафий фиқҳи. Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти.
18. Muhamedov N. (2015). Keffal Şaşî'nin Diplomatik Faaliyeti. Marmara Türkiyat Araştırmaları Dergisi 2 (2), 119-126. https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/282071.
19. Mukhamedov Nematullo (2020). Medieval Scientists Of The Oasis Shash And Their Contribution To Islamic Civilization // The American Journal of Social Science and Education. Innovations (ISSN – 2689-100x). Published: August 14, 2020 | Pages: 137-143. Doi: https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue08-20
20. Мухамедов, Н. А. (2014). Хазрат Имам Абу Бакр Каффал Шаши – мухаддис из Ташкента. Peoples of eurasia. history, culture and interaction problems, 130. http://www.sociosphera.com/files/conference/2014/k-04_05_14.pdf#page=130
21. Ҳакимова Н. (2020). Абу Бакр Қаффол Шошийнинг ҳуқуқ фалсафаси "фозил сиёсат" атамаси. "Шарқ алломалари ёзма меросининг илмий, фалсафий, маънавий тафаккурдаги ўрни номли" Республика илмий-амалий конференсия материаллари (п. 446). Тошкент: ТошДУ нашриёти.
22. Насафий, А. М. (1993). Табсира ал-адилла (Вол. 1). Анқара: Диний ишлар раёсати нашриёти.
23. Паздавий, Ф.-и. (1909). Усул. Карачи: Мир Муҳаммад кутубхонаси.
24. Паздавий, Ф.-и. (2016). Усул. (С. Бекдош, Ед.) Мадина: Дор ас-сирож.
25. Аҳмедов С. (2019, март). Китобини Расулуллоҳ мақуллаган бухоролик фақиҳ. (А. Ж. Хўжам, Ед.) Ҳидоят, 32.
26. Ғайбуллайев С. (2021, Март). "Усул ал-Паздавий" асосида ёзилган асарлар. (С. Зиёдов, Ед.) Имом Бухорий сабоқлари, 200.
27. Сарахсий, А. Б. (1957). Усул (Вол. 1). (А. В. Афғоний, Ед.) Ҳайдаробод: Дор ал-маъориф ан-Нўмония.
28. Сезгин, Ф. (1991). Тарих ат-турос ал-арабий (Вол. 3). ар-Риёд: Муҳаммад ибн Сауд университети нашриёти.
29. Субкий, Т. (1964). Табақот аш-шофиъийя ал-кубро (Вол. 3). Байрут: Дор иҳё ал-кутуб ал-арабий.
30. Нажмиддинов З. (2019). Абу Зайд Дабусий илмий меросининг Мовароуннаҳр фиқҳ илми ривожидаги ўрни. Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёти.